

Мусулмонлар ҳар соҳада пешқадам бўлган



11:00 / 16.06.2023 1368

(тўртинчи мақола)

Ўрта аср манбаларига кўра, Қуртуба шаҳарида оддий аҳолининг 100 мингта уйи ва бой табақа вакилларининг 60 мингдан ортиқ уйи мавжуд бўлган. Гуллаб-яшнаши даврида Қуртубада бир миллиондан ортиқ аҳоли яшаган, ҳозир эса атиги 300 минг.

Қуртубада аҳоли орасидаги саводхонлик деярли тўлиқ эди. Унинг аҳолиси, олимлари ва савдогарлари, жангчилари ва меҳнаткашлари, барча-барчаси илм олиш, илмий мубоҳасалар олиб бориш, китобларни ўқиш ва муҳокама қилишга берилган эдилар. Ҳатто Қуртуба аёллари орасида ҳам китоб йиғишга иштиёқ кенг тарқалган эди.

Саноат ва савдо ҳам шу даражада жадал ривожланган эди. Конлар маҳсулоти, саноат маҳсулотлари, қурол-аслаҳа, ипак матолар, саҳтиён ва шакар Машриқ тарафга овруполиклар ҳамда савдо асосий машғулоти бўлиб қолган барбарлар воситачилигида юборилар эди.

Мусулмонлар қишлоқ хўжалигига ҳам илм-фан ёки саноатга каби қобилият намоиш қилдилар. Испанияда бугунги кунгача мавжуд бўлган ягона суғориш иншооти араблар томонидан қурилгандир (Гюстав Лебон «Араблар маданияти», 1884). Улар серҳосил ерларда шакарқамиш, тут дарахти, шоли, пахта, банан ва бошқа зироат маҳсулотларини етиштира бошладилар. Ерга моҳирона ишлов бериш натижасида Испания, мамлакат жанубидаги кичик бир қисмини истисно қилган ҳолда, улкан бир боғга айланди.

Ўрта аср Оврупосида полизлар мавжуд эди, аммо айнан мусулмонлар боғларни хордиқ чиқариш ва осойишталик маскани сифатида қабул қилганлар. Ва бундай турдаги илк қирол боғлари XI асрда айнан мусулмонлар Испаниясида пайдо бўлган.

Мусулмонлар фаолияти илм-фан, саноат ва санъатнинг барча соҳаларини қамраб олган эди. Улар томонидан амалга оширилган жамоатчилик ишлари римликлар фаолиятидан ҳам каттароқ эди. Кўприклар, йўллар, сайёҳлар учун меҳмонхоналар барча ерларда пайдо бўлар, уларнинг адади борган сайин ошиб борар эди. Архиепископ Хименес кейинчалик Гранадада араб қўлёмаларини ёқар экан (улардан саксон минг атрофида тўплаган эди), ўзининг дин душманлари ҳақидаги хотирани тарих саҳифаларидан бутунлай ўчириб ташламоқчи бўлди, аммо аён бўлди-ки, уларнинг номлари нафақат ёзма мерослари, балки мусулмонлар ер юзида қолдирган барча меҳнат маҳсуллари туфайли сақланиб қолди.

Денгиз флоти жуда ривожланган бўлиб, унинг воситасида Оврупо, Осиё ва Африканинг барча денгиз бўйи шаҳарлари билан савдо олиб борилган. Узоқ вақт давомида мусулмонлар Ўрта ер денгизининг ягона хўжайинлари бўлишган (Гюстав Лебон «Араблар маданияти», 1884).

Бир неча юз йил ичида Испанияни ҳам маънавий, ҳам моддий жиҳатдан ўзгартирган мусулмонлар уни Овруподаги барча халқлар устидан энг юқори даражага чиқариб қўйишди. Хатто одоб-ахлоқ ҳам улкан ўзгаришларга учради. Мусулмонлар насронийларни энг қимматли инсоний сифат – бағрикенгликка ўргатдилар (барча, ҳеч бўлмаганда, шундай бўлишга ҳаракат қиларди). Уларнинг фатҳ этилган мамлакат аҳолисига нисбатан марҳамати шу даражада эди-ки, хатто насроний руҳонийлари черков йиғилишларини ўтказишларига ижозат берилган эди: мисол учун, 782 йилда Севильядаги йиғилиш ёки 852 йилда Қуртубадаги йиғилиш. Араблар ҳукмронлиги даврида қурилган кўплаб черковлар ҳам уларнинг ўз қўллари остидаги халқлар эътиқодига нисбатан ҳурматини исботлайди. Мусулмонлар Испанияси яҳудийлар паноҳ топган Овруподаги ягона мамлакат эди, шунинг учун улар бу ерларга кўплаб кўчиб келишган.

Гюстав Лебон ёзишича «Испания арабларини бағрикенгликдан ташқари, шунингдек, олижаноблик одатлари ҳам ажратиб турарди. Рицарлик қонунлари: заифларга шафқат қилиш, мағлубга нисбатан марҳаматли бўлиш, берилган сўзга содиқ туриш ва бошқаларни насроний мамлакатлар кейинроқ қабул қилдилар; мазкур қонунлар одамлар қалбига диндан кўра кўпроқ таъсир кўрсатдилар, булар эса Оврупода араблар туфайли тарқалган эдилар».

(Давоми бор)

«Олам ва одам, дин ва илм» китоби асосида тайёрланди